

## Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-июнда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 712,2 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 98,0 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:


Жамига нисбатан фоиз ҳисобида

	млрд. сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>712,2</b>	<b>98,0</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>89,9</b>	<b>70,4</b>	<b>12,6</b>
бюджет маблағлари	28,5	92,8	4,0
давлат мақсадли фонд маблағлари	47,9	72,7	6,7
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари			
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	12,4	94,3	1,7
болалар спортини ривожлантириш фонди	1,1	12,0	0,2
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>622,3</b>	<b>103,9</b>	<b>87,4</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	203,2	134,4	28,5
аҳоли маблағлари	247,6	88,9	34,8
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	49,1	111,3	6,9
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	122,4	103,2	17,2


Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида инвестицияларни ўзлаштириш куйидаги маълумотларда ифодаланади:

инвестициялар технологик структурасининг умумий ҳажмига нисбатан  
фоиз ҳисобида

2016 йил январь-июнь



2017 йил январь-июнь



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Ташиш ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Қурилиш
- Профессионал, илмий ва техник фаолият
- Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

2017 йил январь-июнда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Жами, млрд. Сўм	712 161,4	98,0	100,0
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	509 899,8	104,0	71,6
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	186 821,2	86,7	26,2
Бошқа ҳаражатлар	15 440,4	75,8	2,2

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-июнга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 4,0 фоизли пунктга қупайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 1,8 фоизли пунктга камайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 2,3 фоизли пунктга камайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

#### **Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

2017 йил январь-июнда умумий майдони 346,9 минг кв.м. бўлган 1932 та (2016 йил январь-июнга нисбатан 89,5 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 211,0 минг кв.м. (80,6 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 333,3 млрд. сўми ёки 42,1 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 30,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 7,1 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 4,3 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 20,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,8 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 2,9 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 133,2 км. узунликдаги ичимлик суви, 25,1 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-июнга нисбатан мос равишда 81,3 ва 84,8 фоизни ташкил қилди.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 0,9 млрд. сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 0,3 млрд. сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-июнда 594,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 109,0 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,7 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 14,3 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 6,0 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 81,1 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 554,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 93,2 фоизни (2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 94,2 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои қуйидагича ифодаланади умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Давлат мулки
- Фуқоролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлар мулки